

ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧДА ХИТОЙНИНГ ГЕОИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336417>

Оқилиддин Алимов

Тошкент давлат шарқшунослик университети
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

***Abstract.** The article analyzes the important directions of China's geo-economic strategies today, the geopolitical aspects of China's foreign economic activities, investment policy, and trade diplomacy in the world's leading developed countries and developing regions. Also, the role of the Chinese economic development model in foreign economic policy, its development stages and prospects are analyzed.*

***Key words:** geo-economic strategies, geo-economic interest and economic power relationship, economic policy, economic development model and reforms, geo-economic influence tools and methods, economic and investment diplomacy.*

Геоиқтисодий стратегия ўзига хос узоқ муддатли йўналтирувчи доминант бўлиб, мамлакатнинг ривожланиш йўналишини белгилаб беради. Ҳокимиятнинг барча ҳаракатлари шунингдек, уларнинг фаолиятини бирлаштириб, мувофиқлаштирувчи сиёсий ва иқтисодий тузилмалар мажмуини олдиндан белгилаб берувчи самарали стратегияни ишлаб чиқиш ҳар қандай давлат учун ўта муҳимдир. Бугунги кунда Хитойнинг халқаро майдондаги мавқеи бундай стратегияни ишлаб чиқишда муваффақиятга эришганидан далолат беради.

Геоиқтисодий стратегияларни муайян бир мамлакатнинг умумий мафкуравий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий контекстидан ташқарида ишлаб чиқиш ҳам, қайта қуриш ҳам мумкин эмас. Ушбу мураккаб жараён жамият ҳаётининг барча жабҳаларини кучли бирлашишини, уларнинг ўзаро фаол муносабатини, энг қудратли кучларининг ташаббусини талаб этади.

Маълумки, бутун бир аср давомида Хитой инқилобчилари мамлакатни қайта қуришга интилишди. Улар ўз фаолиятларида синов ва қийинчиликнинг машаққатли йўлини босиб ўтиб, мамлакатни жаҳон иқтисодиётининг энг юқори поғонасига олиб чиқишга муваффақ бўлдилар. Ривожланиш учун янги мақсадлар белгиланди. Иқтисодиётни юксалтириш учун мамлакатнинг барча кучларини сафарбар этишнинг “ислоҳот ва очиклик” сиёсати ўнлаб йилларда пишиб етилди. Барча саъй-ҳаракатлар ялпи ички маҳсулот ўсишига қаратилди.

АҚШ билан 30 йилдан ортиқ кечган кескин рақобат ва пойга ўз самарасини берди. Мамлакатда кучли кўп тармоқли экспортга йўналтирилган иқтисодиёт барпо этилди. Ўз ўрнида бундай ютуқлар хорижий капитални жалб қилиш учун мамлакатнинг барча кучларини зўриқишини тақозо этарди. Хитой товарлари Европа, Осиё, Америка, Африка, Океаниянинг деярли барча мамлакатларида пайдо бўлди.

Юзага келган жаҳон инқирозининг оқибатларидан бири Америка, Европа ва Осиёнинг етакчи мамлакатлари ривожланишининг секинлашиши бўлди. Хитой товарларининг жаҳон бозори бирданига торайиб кетди ва етакчи мамлакатлар инқироздан чиқиши билан сифат жиҳатидан ўзгара бошлади. Ўсишнинг янги манбалари, янги эҳтиёжлар, янги истаклар, янги маҳсулотлар пайдо бўлди. Бундай шароитда Хитой деярли барча соҳаларда сезиларли даражада ортиқча қувватни ишлаб чиқара бошлади. Янги бозорларни, ўсишнинг янги манбаларини излаш, саноатни модернизация қилиш (“янги турдаги саноатлаштириш”), иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш вақти келганди.

Бундай вазиятда ривожланишдаги оғирлик маркази ички муаммоларни ҳал қилишга қаратилди. Шу мақсадда аҳоли даромадларини ошириш, кўчмас мулк, транспорт инфратузилмасини қуриш, таълим, соғлиқни сақлашни ривожлантириш, ижтимоий таъминот тизимини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада, кўп сабабларга кўра иқтисодий ўсиш суръати секинлашди.

Қисқа муддатда мамлакат тараққиётининг барча жабҳаларида салмоқли ютуқларга эришилганига қарамай, ишлаб чиқариш қувватларининг ортиқча бўлиши, ўсишнинг янги илмий-техникавий манбаларини излаш, экспорт ишлаб чиқаришни давом эттириш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмай қолди. Натижада:

- ички бозор саноатни ривожлантириш учун етарли даражада кучли импульслар яратмади;

- мамлакат ҳудудининг минтақавий иқтисодий ва ижтимоий табақаланиши ягона иқтисодий маконнинг ривожланишига тўсқинлик қилди;

- иқтисодиётнинг маълум бир ҳолатида аҳоли даромадлари ва харид қобилиятининг ўсиши тез бўлиши мумкин эмас эди;

- шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва шароитидаги катта фарқларни бартараф этиш учун катта саъй-ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилди;

- мамлакатнинг муваффақиятли ривожланишига жамиятда маданий ва техник тайёргарлик даражаси нисбатан паст бўлган қатламнинг сақланиб қолиши тўсқинлик қиларди. Таълимнинг юксалиши ўқитувчилар, мактаблар, университетлар, имтиёзлар, замонавий ўқув дастурларини яратишда кадрлар сонини сезиларли даражада оширишни талаб қилади;

- аҳолининг тез қариш жараёни янги муаммоларни вужудга келтиради.

Бу муаммоларнинг барчаси ҳукумат фаолиятида кун тартибидан белгилай бошлади. Бунинг учун моддий база яратилди. “Ислоҳот ва очиклик” даврида ялпи ички маҳсулот ниҳоятда юқори суръатларда ўсди. 1980-2020 йиллар давомида унинг ҳажми 28 баробар ошди.

Ортиқча қувватларни бартараф этиш учун саноатни қайта қуриш ва модернизация қилиш бошланди, бу эса катта инвестициялар талаб қиларди. Корхоналарнинг бир қисмини ёпиш, бир қисмини модернизация қилиш ва илғор қисмини жадал ривожлантириш керак эди. Янги вазиятда ўсиш суръатларининг қисқариши муқаррар бўлди. Шу билан бирга, алоҳида тармоқларда ва умуман иқтисодиётда сифат ўзгаришлари ҳам юз берди.

“Ислоҳот ва очиклик” даврида асосий капиталга киритилган ҳақиқий инвестициялар ҳажми 2,9 баробарга ошди, ЯИМ икки баравар кўпайди.

Шу билан бирга ривожланишнинг янги босқичининг вазифаси бир қатор муаммолар билан мураккаблашди. “Ислоҳот ва очиклик”нинг бутун босқичида экспорт ресурсларининг ўсишини таъминлайдиган қудратли ишлаб чиқаришни яратиш учун улкан сармоялар талаб қилинди. Ички бозорга йўналтирилганлик ва истеъмолининг кенгайиши вақти-вақти билан ЯИМ ўсишидан юқори бўлди. Унинг ўсиш суръати сезиларли даражада пасайишни бошлади.

Аҳоли даромадларининг ўсиши ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига олиб кела бошлади. Хорижий капитални мамлакатдан чиқиб кетиш хавфи бор эди. Баъзи хорижий фирмалар ишлаб чиқаришни аста-секин бошқа мамлакатларга ўткази бошладилар, аммо бу жараён жиддий муаммоларга олиб келмади, капитал оқими сезиларли давом этди. Хорижий капиталнинг Хитойга инвестициялари ортиб бормоқда, уларнинг асосий қисми хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилган.

Сўнгги ўн йилликларда ислоҳот ва очиклик сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида Хитой дунёдаги иккинчи йирик иқтисодиётга айланди (2010 йилдан бошлаб) ва ўзининг геосиёсий ва геоиқтисодий таъсирини сезиларли даражада оширди.

Баъзи экспертлар мамлакатнинг юксалиши умумий фаровонлик ва тинчликка ҳисса қўшади, деб ҳисобласа, бошқалари, аксинча, буни иқтисодий меркантилизмни тан олган агрессив давлат учун жиддий таҳдид деб билишади.

2014 йилда Си Цзинпиннинг ҳокимиятга келиши билан мамлакат тараққиётининг асосий шиори “ютук сари интилиш” дея номлана бошлади. Иқтисодий қудратнинг ўсиши ўз навбатида кучдан геосиёсий мақсадларга эришиш учун фойдаланиш истагини юзага келтирди.

Бугунги кунда Хитой глобал ва минтақавий даражада геоиқтисодий босим ўтказиш учун иқтисодий ресурслардан фойдаланадиган энг муваффақиятли давлат саналади. Пекин ҳарбий ва сиёсий қарама-қаршилик ўрнига янги иқтисодий омилдан фойдаланмоқда ва Хитойнинг мавжуд иқтисодий кучидан анча юқори бўлган глобал таъсирга аллақачон эришган. Дунёга Хитойнинг ҳарбий кучидан кўра савдо ва сармоявий имкониятлардан маҳрум қилиш чораси кўпроқ хавф солади.

Ҳозирги вақтда Хитой дунёдаги энг йирик экспортчи ва дунёдаги энг тез ривожланаётган истеъмол бозоридир. Арзон импорт манбаидан мамлакат сармоянинг асосий манбаига айланди. Биргина “Янги Ипак йўли” лойиҳасининг ўзи 65 давлат учун 2,5 триллион доллар қўшимча товар айирбошлаш имконини беради.

“Иқтисодий мўжиза” деб номланувчи модернизацияни муваффақиятли амалга оширган бошқа Осиё давлатларидан (Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Тайван, Гонконг) фарқли ўлароқ, Хитой XIX асрнинг биринчи ярмида йўқотган жаҳон етакчиси мақомини қайта тиклашни мақсад қилган. Шундай қилиб, Хитойнинг геоиқтисодий ҳаракатлари кенг иқтисодий ва геосиёсий тизимнинг глобал марказига айланишга қаратилган. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун Пекин савдо, сармоя, санкциялар, ёрдам, пул-кредит сиёсати ва инфратузилма лойиҳаларидан фаол фойдаланиб келмоқда. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, Хитой принципиал жиҳатдан янги механизмларни таклиф қилмайди, балки АҚШ ва Буюк Британия жаҳон иқтисодиётида ҳукмронлик қилган даврда қўлланилган геоиқтисодий амалиётларга мувофиқ ҳаракат қилади.

Янги жаҳон иқтисодий тартибини жорий этишга уринишлар янгилик эмас. 1960-1970 йилларда ривожланаётган мамлакатлар БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (ЮНКТАД) доирасида бунга эришишга ҳаракат қилишди, аммо нуфузли етакчининг йўқлиги ҳақиқий муваффақиятга тўсқинлик қилди. Пекин “Хитой иқтисодий ривожланиш модели”ни таклиф қилиб, дунё тартибини ўзгартиришга янги уриниш қилди.

Хитойнинг халқаро иқтисодий ва инфратузилма лойиҳалари БРИКСнинг Янги тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки ва Ипак йўли жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланади, бу эса ҳали ҳам ҳукмронлик қилаётган етакчи Ғарб давлатлари глобал иқтисодиётни бошқаришнинг мавжуд механизмларини четлаб ўтиш имконини беради. Худди шу нарса Пекиннинг юанни халқаро захира валютасига айлантиришга қаратилган ҳаракатларига ҳам тегишли. Бу лойиҳалар ҳам ислоҳотчи, ҳам назорат-таъсир стратегияларининг бир қисмидир. Бироқ, бу ташаббуслар Хитойнинг нафақат иқтисодий таъсирини ошириш, балки мавжуд глобал иқтисодий тартибни ўзгартириш истагини ҳам акс эттириши мумкин.

Хитойнинг АҚШга геоиқтисодий таъсири Хитойнинг ўзида ва тўғридан-тўғри АҚШда ҳукуматлараро даражада ва “учинчи мамлакатлар” да амалга оширилади. Биринчиси, хорижий компаниялар учун бизнес хусусиятларининг мавжудлиги ва бизнесдаги қарорларни қабул қилиш сиёсатига сезиларли таъсир кўрсатадиган миллий хавфсизликка урғу беришда намоён бўлади. Бироқ, Хитойнинг 1,3 миллиард истеъмолчига эга улкан ички бозори иқтисодиётни сиёсий тартибга солиш шартларига рози бўлган хорижий компанияларни жалб қилмоқда.

Расмий Пекин, ўз навбатида, иқтисодиётнинг секинлашуви шароитида Хитой тўғридан-тўғри хорижий сармояга катта эҳтиёж сезишини тушунади, бу биринчи навбатда АҚШга тегишли. Хитойнинг АҚШга босимининг асосий геоиқтисодий воситаси Пекиннинг АҚШ газначилик облигацияларининг асосий хорижий эгаси ва Вашингтоннинг энг йирик савдо хамкорларидан бири эканлигидир. Баъзи Ғарб олимларининг фикрига кўра, икки мамлакат иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлик даражаси шунчалик каттаки, ягона АҚШ-Хитой иқтисодиёти – “Chimerica” тушунчаси вужудга келди.

Хитойнинг геоиқтисодий таъсири тўғридан-тўғри *Европага* ҳам таъсир қилади, чунки биринчидан, Европа компаниялари юкори технологиялар даражаси, инновацион салоҳияти, ноу-хау ва концентрация қобилиятлари туфайли хитойлик инвесторлар учун алоҳида қизиқиш уйғотади; иккинчидан, бу Европа бозорига чиқиш; учинчидан, Европа Хитойнинг “Янги Ипак Йўли”нинг якуний нуқтаси бўлиб, у Хитой устунликка эга бўлган соҳаларга сармоя киритиш билан боғлиқ.

Шу билан бирга, Европанинг ҳам ўзига хос муҳим иқтисодий ва стратегик манфаатлари бор. 2008 йилдаги иқтисодий инқироздан сўнг, кўплаб Европа мамлакатлари молияга муҳтож бўлиб, Хитой сармоясини олқишлайдилар (масалан, Европа Иттифоқига аъзо ўн учта давлат Осиё инфратузилма инвестициялари банкига қўшилди ва Хитойнинг Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан муносабатларининг махсус формати –“16 +1”) ҳам вужудга келди.

Бирок, европаликлар хитойлик ишбилармонлар ва компанияларни нафақат иқтисодий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам рағбатлантираётганини тушунишади. Шу сабабли, Хитойнинг Европа Иттифоқига киритган сармоялари нафақат ёрдам, балки жиддий хавф сифатида ҳам қабул қилинади.

Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари “Бир камар, бир йўл” ташаббусини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Хитойни Европа, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка бозорлари билан боғловчи йўналиш вазифасини ўтайди. Шу билан бирга, Москва “Хитойнинг юксалиши” ва унинг Узоқ Шарқ ва Марказий Осиёда таъсири кучайишидан доим эҳтиёт бўлиб келган. Яқин вақтгача Хитой компанияларининг Россия иқтисодиётига сармоя киритишига тақиқ қўйилган эди, бу Москванинг қўшни давлатлар ҳисобига Божхона иттифоқи ва Евроосиё иқтисодий маконини кенгайтиришга уринишлари ва шу тариқа Хитойнинг иқтисодий таъсирига қарши туриши билан боғлиқ. Ғарб санкциялари Россиянинг Ғарбдан чиқиб кетиши ўрнини “Шарққа бурилиш” орқали қоплашга ундайди.

Бундай вазиятда, Марказий Осиёда Хитой ва Россия ўзаро рақобати вужудга келиши табиий. Қулай иқтисодий таклифлар орқали Хитой Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари учун энг муҳим капитал манбасига айланиб бормоқда.

Хитойнинг *Покистон ва Ҳиндистонга* нисбатан геосиёсий ҳисоб-китобларида энг асосий жиҳат унинг АҚШ билан муносабатларидир. Хитой Покистон ва Ҳиндистоннинг энг йирик савдо шериги ҳисобланади ва бу давлатлар билан муносабатларда кучли геоиқтисодий таъсир воситаларидан самарали фойдаланмоқда. 46 миллиард долларлик Хитой-Покистон коридори қуриб битказилгандан кейин Хитой ташқи савдосининг 40 фоизга яқини у орқали амалга оширилади. Мамлакат Форс кўрфазига чиқиш имкониятига эга бўлади. Хитойнинг иқтисодий кучайишидан Жанубий Осиёдаги барча давлатлар фойда кўради, чунки бу минтақадаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Кўпгина араб давлатлари ташқи сиёсатни диверсификация қилиш ва шу тариқа АҚШнинг Яқин Шарқдаги ҳукмронлигига қарши мувозанат яратиш учун Хитой билан муносабатларидан фойдаланишга ҳаракат қилишди. Бирок, Хитой минтақадаги Америка манфаатларига қарши чикмасликни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва замонавий халқаро

тизимга тўлиқ интеграциялашган масъулиятли глобал куч сифатидаги обрўсини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда.

Шу ўринда, Эрон Хитой учун мураккаб Яқин Шарқ муаммосидир. Хитой савдосининг 40 фоизи денгиз йўлаклари орқали амалга оширилади, Хитойнинг нефть импортининг ярми Форс кўрфази орқали транзит қилинади. Шу боис Пекин денгиз транспорти йўлаклари хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратади ва айниқса Форс кўрфази ҳамда бутун минтақада можароларнинг олдини олиш тарафдори. Умуман олганда, Хитой Яқин Шарқдаги ҳар қандай давлат билан стратегик алоқаларни ривожлантира олмайди ва бу минтақадаги можароларга аралашмаслик сиёсатини олиб боради, ўзаро муносабатлар кўпинча фақат энергия ресурслари импорти ва савдоси билан чекланади.

Хитойнинг Африкадаги геоиқтисодиёти (“BlackChina”)

Хитойнинг Африка мамлакатлари билан алоқалари унинг геоиқтисодий стратегияларининг энг муваффақиятли векторидир. Пекин Ғарб ҳукмронлигига қарши туриш учун Африканинг кўп қутбли дунёда ўсиб бораётган таъсиридан фойдаланмоқда. Иқтисодий жиҳатдан Африка сўнгги йилларда бир неча юз миллиард АҚШ долларига етган Хитой экспорти учун муҳим йўналиш ҳисобланади.

Хитой Африканинг энг йирик савдо шеригига айланди, Хитойнинг Африка иқтисодиётига 25 миллиард доллардан ортиқ тўғридан-тўғри сармоя киритди. Хитой Африка Иттифоқи ва Африка тараққиёт банки каби ташкилотлар орқали Африка давлатлари билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама муносабатларни мустаҳкамламоқда.

Хитой-Африка ҳамкорлиги энергия, ресурслар ва инфратузилма билан чекланиб қолмайди, балки саноатлаштириш, урбанизация ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, кўп меҳнат талаб қиладиган саноатни ривожлантириш, энергия трансформацияси ва модернизацияни ўз ичига олади.

Хитойнинг Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасидаги геоиқтисодий роли. Лотин Америкасида Хитой географик жиҳатдан яқин минтақаларга қараганда анча вазминроқ ҳаракат қилади. Геоиқтисодий таъсир Хитой компаниялари (нефть, тоғ-кон саноати, телекоммуникация, қурилиш) аҳамиятининг ортиши, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ўсиши ва Хитой кредитларида намоён бўлади. Бундан ташқари, Хитой НАФТА ва Меркосур бозорларига кириш ҳуқуқига эга бўлди. Хитой Лотин Америкаси мамлакатлари иқтисодиёти структурасини қуйидаги йўналишларда ўзгартирмоқда: товар экспорти ролини ошириш, минтақа инфратузилмасини яхшилаш (портлар, йўллар, Панама каналини кенгайтириш), молия сектори (своп келишувлари ва юань шартномалари).

Тайван: Бирлашиш учун геоиқтисодий вариант. Тайван ХХР учун энг катта муаммо ҳисобланади, чунки 1949 йилдан бери провинция суверенитетини эълон қилган. Ички муаммолар туфайли Тайван Хитойдан тўғридан-тўғри сармоёга боғлиқ ва ўз иқтисодиётини шакллантириш имкониятига эга эмас. Бундан ташқари, Пекин Тайван суверенитетини тан олмаслик масаласини ҳал қилиш ва унинг “ягона Хитой” концепциясини илгари суриш учун иқтисодий воситалардан аста-секин ва жуда самарали фойдаланмоқда. Ҳозиргача фақат 19 та давлат (асосан кичик давлатлар) ва Ватикан Тайванни суверен давлат сифатида расман тан олган.

1990 йилларнинг охиридан бошлаб Хитой Шимолий Корея билан иқтисодий алоқалардан Шимолий-Шарқий Осиё ва ундан ташқарида ўзининг геосиёсий даъволарини кўллаб-қувватлаш учун фаол фойдаланмоқда. Шимолий Корея Хитойнинг яқин назорати остида. Раҳбариятнинг ҳар бир сиёсий иродаси ташқи таъминотга, хусусан, ХХРдан озиқ-овқат маҳсулотларига таъсир қилади. Шимолий Корея умумий савдосининг 65% дан 85% гача Хитой ҳиссасига тўғри келади. Пекиннинг Пхенянга нисбатан энг муҳим геоиқтисодий

таъсири бу йилига 500 000 тонна нефть экспорти бўлиб, бу Шимолий Кореянинг энергия импортининг 90 фоизини ташкил қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, замонавий босқичда Хитой дунёнинг турли мамлакатлар ва минтақаларида геосиёсий ҳамда геоиқтисодий мақсадларга йўналтирилган стратегиялардан фаол фойдаланиб келмоқда. Геоиқтисодиёт мамлакатларнинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш, савдо майдонини кенгайтиришнинг самарали усули ҳисобланади. Бироқ, бу тўғридан-тўғри мамлакат иқтисодиётининг ҳолатига тегишли, чунки у молиявий инвестициялар ва иқтисодий ёрдам билан боғлиқ. Ҳар бир алоҳида давлат олдида иқтисодиётни мустаҳкамлаш ва халқаро майдонда ўз мавқеини мустаҳкамлаш вазифаси турибди. Дунё айнан геоиқтисодий воситалар орқали ўзгаради, мустаҳкамланади ва кучини оширади.